


*Ўзбекистон Республикаси Конституцияси амал қилмоқда*

# ҚОНУН — МУҚАДДАС, ҚОНУН — УСТИВОР

***15-модда. «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.***

***Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар».***

Конституция ва қонунларнинг устунлиги таъминланиши ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан бири бўлиб, у Ўзбекистонда давлат-ҳуқуқий қурилишининг энг асосий принципи ҳамдир. «Конституция ва қонунларнинг устунлиги принципи шуни англатадики, — дейди Президентимиз Ислом Каримов, — бунда барча жорий қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида ва унга мувофиқ бўлиши талаб этилади». Улуғ бобокалонимиз Амир Темур айтганларидай: «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади». Ўзбекистон Конституциясининг 15-моддасида Конституция давлатимизнинг энг Асосий Қонуни эканлиги, у бошқа барча қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий актлардан юқори туриши белгиланган.

Конституция ва қонунлар тўғрисида сўз кетар экан, аввало уларнинг бир-биридан фарқини ажратиб олиш керак. Конституция давлатнинг Асосий Қонуни бўлиб, у бошқа жорий қонунлардан шу билан фарқ қиладики, унда энг асосий, энг барқарор ижтимоий муносабатлар, узоқ даврга мўлжалланган бош принципиал қоидалар мустаҳкамланган ва бу принципиал қоидалар бевосита амал қилиб, бошқа қонун чиқариш актларида очиб берилади ва конкретлаштирилади. Шу сабабли Конституция гарчи муҳим бўлса-да, лекин Асосий Қонун доирасига сиғмайдиган бир қанча қоидаларни ўз ичига олмайди. Конституцияда мавжуд бўлган қоидалар негизида ва уларни ривожлантира бориб, заруриятга қараб бошқа қонунлар ва ўзгача меъёрий-ҳуқуқий актлар ишлаб чиқилади ва қабул қилинади. Бунда барча жорий қонунларнинг ҳуқуқий асоси, бош манбаи Конституция бўлиб қолади. Конституция эса олий юридик кучга эга бўлиб, бошқа барча жорий қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар унга мувофиқ келиши лозим. Конституциянинг Асосий Қонун сифатидаги аҳамияти, обрў-эътибори, барқарорлиги, унинг оддий қонунлардан фарқи шу билан белгиланади. Бир сўз билан айтганда Конституцияни қонунлар қонуни дейиш ҳам мумкин. Шу боис Ўзбекистон Конституциясида Конституциянинг энг юқори кучга эгалиги, ҳамма қонунлардан устун туриши алоҳида эътироф этилган. Бунда фақат Конституциянинггина эмас, балки унинг асосида қабул қилинадиган қонунларнинг ҳам устунлиги ўрнатилади.

Юқоридаги принцип жамиятимизда қонунчилик ва ҳуқуқий-тартибот тантанасини англатади. Қонунчилик — бу қонунларнинг реаллигидан, жамиятда чинакам демократик муҳит ва ҳақиқий ҳуқуқий режим ўрнатилганлигидан далолат беради. Қонунчилик — бу давлат томонидан қонунлар тизимини жамият тараққиёти талабларига мос равишда такомиллаштириб бориш ва давлат органлари, жамоат бирлашмалари мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан қонунларга қатъий риоя этиш ва уларни оғишмай амалга оширишда намоён бўладиган давлат ва жамият ҳаётининг принципидир. Қонунчилик принципи қонунларнинг ҳамма учун истисносиз мажбурийлигини, ҳамманинг қонун олдида тенглигини, қонунларнинг ҳамма ерда бир хилда жорий қилинишини ҳам англатади.

Қонунчилик билан ҳуқуқий-тартибот бир-биридан фарқ қилади. Қонунчиликнинг мазмуни ҳуқуқий меъёрларга қатъий ва оғишмай риоя этишларда ифодаланса, ҳуқуқий-тартибот эса жамият аъзоларининг юриш-туришлари уларнинг субъектив ҳуқуқ ва бурчларига мувофиқ келишида ифодаланади. Бошқача қилиб айтганда, ҳуқуқий-тартибот ҳуқуқий муносабатлар доирасида шу муносабатларнинг иштирокчилари ўз субъектив ҳуқуқларини амалга оширишлари ва ҳуқуқий бурчларини бажаришлари натижасида вужудга келади. Демак, қонунчиликни амалга ошириш ҳуқуқий-тартиботни таъминлаш воситаларидан бири бўлса, ҳуқуқий-тартиботни мустаҳкамлаш эса, ўз навбатида қонунчиликни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Шу боис улар бир-биридан ажралмас бўлиши лозим.

Шундай қилиб, 15-моддага кўра, Ўзбекистонда Конституция ва қонунлар олдида ҳамма тенг даражада масъулиятга эга бўлиб, қонунлар ҳам ўз навбатида барчага баробар.

Конституциянинг 15-моддаси иккинчи қисмида давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар, деб кўрсатилган. Давлат, унинг органлари, жамоат бирлашмалари Конституция ва тегишли махсус қонунлар асосида ташкил қилинади ва фаолият юритади. Улар Конституция ва махсус қонунларда белгиланган ваколатларнигина амалга оширадилар. Мансабдор шахслар ва фуқаролар ҳам Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар. Юқоридагиларнинг биронтаси ҳам Конституция ва қонунлардан ташқари иш кўришга ҳақли эмас. Зеро, Конституция ва қонунлардан четлаб ўтиш, уларнинг талабларини бузиш ғайри қонуний хатти-ҳаракат ҳисобланади. Бундай ҳаракатлар учун эса махсус қонунларда тегишлича жавобгарликлар ўрнатилган, санкциялар белгиланган.

Ҳайдарали МУҲАМЕДОВ,
Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси.

*Пиру бадавлатларимиз*

# УМРИДАН БАРАКА ТОПГАН

Олам меҳнатни улуғлаган одамларга бой. Ҳар бир жамоа ўзи ҳурмат қилган, эъзозлаган кишисига эга. Тошкент туманидаги Ғиёс Умаров номли жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Хўжаевлар оиласи ҳам ана шундай кўпчилик эҳтиромини қозонган хонадонларнинг бири. Ували-жували катта оила соҳиби Эргаш ака ўттиз йил умрини шаҳар транспорти ривожи йўлига сарфлади. Тўнғич ўғиллари Тўлқинжон ва Ҳусниддин ота касби — шофёрликни танлашди. Бахтиёр сартарош, Зуҳриддин ички ишлар бўлимида етакчи мутахассис, Қутбиддин олий ҳарбий билим юрти курсанти. Ҳар қандай касб эгаси бахт кошонасига интилгани каби беш ўғлон ҳам элга фойдам тегсин, деб иштиёқ билан меҳнат қилиб, ҳалоллик билан яшашни одат қилишган.



Гулзорни гул, одамни меҳнат безайди, деганларидек оилада волидаи муҳтарама Мукаррамахон опанинг ўз ўрни бор. Болажоним, дўмбоғим деб тунлари мижжа қоқмай бешик қучоқлаб, бахт ҳақида алла айтган ана шу онаизор эмас-ми?! Шифокор аёл фарзандларига бахтдан фақат тахт тилади.

...Эргаш ака бугун нечундир жуда барвақт турди. Ҳовлисининг ўртасидан ўтган ариқ сувининг шилдираши қулоғига сеҳрли наводек ёқимли эшитилди. Оила боғбони токларни авайлаб тарашга тушди. Қийғос очилган атиргулларга ишлов бераркан, ногаҳон ўтган кунлари кўз ўнгида гавдаланади.

...Тошкент зилзиласи (1966 йил) Э. Хўжаевнинг қалбида ҳам қаттиқ оғриқ уйғотди. Қандайдир бир куч уни шаҳарга ундади. Узоқ-яқин ўлка ва шаҳарлардан ёрдамга келаётганларнинг охири йўқ эди. Наҳотки, Эргаш худди томошабиндек, меҳмонларнинг келишини кузатиб ўтирса. Йўқ, сабри чидамади, тўғри шаҳарлик таниши Тожибой Самадовнинг ишхонасига тушиб борди.

Тожибой ака Эргашга шофёрлик курсида ўқишни маслаҳат берди. Ниятига етган шогирд гувоҳномани олгач, 5-автокорхонада ишлай бошлади. Энди ўйласа бу ҳунарни ўрганганига ҳам 30 йил бўлибди. Ҳозирги Бешёғоч автобекатида 13, 51, 153, 181-автобуслар йўналишлари ҳаракатини бошқарди.

— Эргаш ака Хўжаев Бешёғоч автобекатида барчага устоз, — дейишади у ҳақда ҳамкасблари. У талабчанлиги, сергак назоратчилиги билан бошқалардан ажралиб туради. Елена Орифжонова, Феруза Қуддузова, Алифкина Мальченколар ўз устозларининг ишидан андоза олишади.

Бешёғоч — катта бекат. Эргаш ака 4-автокорхонага қўнғироқ қилиб, 153-йўналишга иккита машина кам чиққанини қайта сўраб-суриштираётган экан. У зудлик билан йўналиш автобус билан тўлдирилишини талаб қилди. Бунинг боиси бор эди. Чунки ҳадемай, бекатлар йўловчиларга тўлиб кетади.

Бир вақтлар Бешёғоч майдони — Ал-Хоразмий мавзеси ўртасидаги 13-йўналиш автобуслар билан тўлиқ таъминланмас эди. Йўналиш бўйича 12 та ўрнига 6 та автобус чиққан вақтлар ҳам бўлган. Эргаш ака 7-автокорхона раҳбарлари ҳузурига бориб, мазкур йўналишда йўловчилар гавжумлигини тушунтирди. Эртасидан бошлаб, автобуслар тўлиқ йўлга чиқа бошлади. Бу фазилат Аббос Саидхўжаев, Алиназар Ёқубов, Ботир Мирзараҳимов, Валентина Мордосина каби ходимларга ҳам устоздан «юққан».

Дунёдаги ҳамма эзгуликларнинг манбаи меҳнат. Ҳаётдаги барча шодликлар ҳам меҳнат билан барқарор. Эргаш ака Хўжаевнинг ҳаёти ана шу жўшқинликдан бир кичик ҳикоядир, холос. Бу эзгуликка талпиниш энди унинг фарзандларига, иффатли келинлари, невараю чевараларига насиб этгусидир.

Фаттоҳ АБДУРАҲИМОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

*Маҳалла — жамият таянчи*

# МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ НЕЪМАТЛАРИ

«Ватан — маҳалладан бошланади», деган ҳикматли нақл бежиз айтилмаган. Шу сабабдан ҳам мустақилликка эришганимизнинг дастлабки пайтлариданоқ юртбошимиз маҳаллаларга катта эътибор қарата бошлади.

Маълумки, республикамизнинг ҳар бир вилояти, ҳар бир гўшасининг ўзига хос урф-одатлари, удумлари бор. Бинобарин маҳаллалар ҳаётида ҳам ўзига хосликни кўрамиз. Жойлардаги маҳаллалар билан тажриба алмашиш, энг ажойиб одатлар ва удумларни ўрганиб тадбиқ этиш маҳаллалар ишини янада ривожлантирадиган муҳим омилдир. Бу борада Юнусобод туманида амалга оширилаётган ишлар ибратга моликдир. Туманда маҳаллалар оқсоқоллари иштирокида юртимизнинг муқаддас зиёратгоҳларига сафарлар ташкил қилиш, шу билан бирга ўша ердаги маҳаллалар ҳаёти билан танишиш ва ўзаро дўстлик ришталарини боғлаш хайрли анъана тусига кирган. Жумладан кейинги 2 йил ичида туман оқсоқоллари Самарқанд шаҳридаги Имом Бухорий, соҳибқирон Амир Темур, Хожа Аҳрор Валий, Бухородаги ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳларида бўлиб, унутилмас таассуротлар билан қайтишди. Сафар натижаси ўлароқ Бухоро маҳаллалари фаоллари энди ҳар йили Мустақиллик байрамини Юнусобод туманида нишонлайдиган бўлишди.

Туманда оқсоқоллар ва маҳалла котибларини аттестациядан ўтказиш ишлари муваффақиятли якунланганини муносабати билан Хоразм вилоятига сафар уюштириб у ердаги диққатга сазовор жойлар билан танишиш, қолаверса маҳаллалар фаолиятини ўрганиш тўғрисидаги хушхабар барча оқсоқолларни беҳад қувонтирди. ...Бухоро вилоятининг Газли, Сариқамиш ва Устюрт чўлларини босиб ўтиб кеч соат 9 ларда Жайҳун (Амударё)га етиб келдик. Кўприк устида бироз тўхтаб Амунинг шўх ва забардастлигини кўриб, дарё сувига қараб бу ер халқининг ҳам меҳнаткаш, ҳам қувноқ, ҳам меҳмондўст эканлигини ёдга олдик. Амударёдан очилган катта Шовот канали ёқалаб Хоразм вилоятининг пойтахти Урганч шаҳрига йўл олар эканмиз кўчанинг ҳар икки томонидаги кўмкўк экинзор, пахтазор, шолипоялар ва полиз экинзорлари бу йилги ҳосилнинг нақадар унумли бўлаётганидан далолат бериб турарди.

Урганч шаҳрида бизни Хоразм вилояти ҳокимининг ўринбосари Қодир Раҳимов, Урганч шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Рустам Самандаров ва бошқа кишилар илиқ кутиб олишди.

Эртасига эрталаб «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Хоразм вилояти бўлими раиси Эгамберди Искандаров ҳамкорлигида шаҳар маҳаллалари ҳаёти билан танишиш учун йўл олдик.

Урганчдаги энг яхши маҳаллалардан бири ҳисобланмиш «6-Бешмерган» маҳалласидамиз. Эгамберди аканинг таъкидлашича, Хоразмда чойхоналар қуриш урф бўлмасада, маҳалла четидаги ташландиқ ерга 5 ой ичида ажойиб маҳалла маркази барпо этилибди. Ушбу икки қаватли иншоотга кирар экансиз, ҳовлидаги фаввoранинг атрофга салқинлик бахш этиб туришини кўриб баҳридилингиз очилади. Фаввора атрофида эса бир нечта супалар. Биринчи қаватда ажойиб чойхона, тепадаги атрофи очиқ айвончада эса маҳалла аҳли тўйларини ўтказишар экан. Шунингдек, турли тадбирлар, маданий-маърифий ишлар ҳам шу ерда ўтказиларкан. Чойхона атрофида эса «Санжар» ишлаб чиқариш-тижорат фирмасининг тикув цехи, тижорат-восита дўкони, сартарошхона, гўшт дўконлари ва маҳалла аҳлига хизмат кўрсатадиган тиббиёт пункти жойлашган. «Санжар» фирмаси ҳудуддаги идораларни таъмирлаш, қариялар, кам даромадли оилалар, етим болаларга ўз саховатини кўрсатар экан.

Урганчдаги кириш қисми минора шаклида қурилган миллий услубдаги К. Отаниёзов номли 15-маҳалла ҳам узоқдан киши эътиборини ўзига тортади. Бу маҳалла маркази бутунлай ўзига хослиги билан ажралиб туради. Идорага кираверишда «Ватан остонадан бошланади» деган шиор осиғлиқ бўлиб, бу ердаги стендда маҳалла фуқаролар йиғини кенгаши ва Ўзбекистон ХДП бошланғич ташкилотининг иш тажрибалари акс этган. Дарҳақиқат, ушбу маҳалла ҳаёти билан танишар эканмиз бу ерда ҳам ибратомуз томонларнинг кўплигига тан берамиз. Маҳалла аҳлини иш билан таъминлаш мақсадида маҳалла қўмитаси биносида тикувчилик ва ғилам тўқиш, кўрпа-тўшак тикиш кичик корхоналари ишлаб турибди. Айниқса, учта гилам тўқиш дастгоҳида туя, қўй, эчкининг жунидан тўқилаётган бетакрор жилоли гиламларни кўриб қизларнинг ажойиб маҳоратига тан берасиз. «Ислоҳот — оиладан бошланади». деганларидек тикувчилик цехида меҳнат қилаётган қизлар машиналарини ўз уйларидан олиб келиб, маҳалладошларнинг буюртмаларини бажараётган эканлар. Маҳалла оқсоқоли, шаҳар кенгашининг депутати Аминбой Абдураҳмоновнинг тадбиркорлиги, халқ билан ишлашни билиши туфайли маҳалла ҳудудида иккита тикув ва попоп цехлари, дурадгорлик устахонаси ишлаб турибди. Томат цехи очилди. «Худойназар Бекжон ўғли» тижорат-ишлаб чиқариш фирмасининг кучи билан қуйилтирилган сут ишлаб чиқарадиган корхона, озиқ-овқат дўкони очилди. Кўчалараро ҳар йили «Энг файзли, покиза кўча» ва «Энг яхши хонадон» танловлари ўтказилмоқда. Маҳаллада ишсиз аҳолининг деярли қолмаганлиги, хайрия ишларига муҳим эътибор қаратилаётганлиги, «Энг намунали маҳалла» республика кўрик-танловида учинчи ўринни эгаллаганлиги ҳам бу ерда ишнинг тўғри ташкил этилганлиги, замон билан ҳамоҳанг қадам ташланаётганлигининг самарасидир.











Урганчдаги республикада биринчи бўлиб помбархит материалини ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхона фаолияти, донғи Осиёга кетган, асосан халқ ва тадбиркорларнинг кучи билан янада кенгайтирилаётган Урганч бозори билан танишув ҳам катта таассуротлар қолдирди. Йилига 40 минг тонна пахтани қайта ишлашга мўлжалланган Хонқа пахта тозалаш заводида ҳам ишлаб чиқариш жараёнини замонавий дастгоҳлар билан таъминлаш борасида салмоқли ишлар қилинаётган экан. Чунончи, яқинда Россиянинг Иваново тўқимачилик комбинати билан тузилган қўшма корхона келгусида шу ернинг ўзида аъло навли матолар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга имкон яратиши қувонарли ҳолдир.

Хивага келар эканмиз, беихтиёр хаёллар уммонига ғарқ бўлдик. Дарҳақиқат, тарихи 2000 йилдан ҳам кўҳна вақтни қамраган Хоразмнинг дастлабки пойтахти Хиванинг мадраса, масжид ва миноралари ўзининг бетакрор гўзаллиги ва маҳорати билан кишини ҳайратга солади. Айниқса, ички шаҳар ва қалъа маъносини билдирадиган Ичан қалъада Ўрта Осиё меъморлари, шаҳарсозлари ва мусаввирларининг бой тажрибалари, ўзига хос санъатлари ўз аксини топган. Жумладан, 218 та жимжимадор устунли Жума масжид, Шерғанихон, Араб Муҳаммад мадрасалари, 56,6 метрлик Ислом хўжа минораси архитектура ечимининг тугаллиги билан алоҳида ажралиб туради. Файласуф, шоир, курашда кураги ерга тегмаган пок инсон Паҳлавон Маҳмуднинг мақбараси эса Хожа Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд каби юртимизнинг энг табаррук зиёратгоҳларидан ҳисобланади. Ўйлаймизки, мустақиллигимиз шарофати билан келажакда Хивада замонавий сайёҳлик мажмуалари, меҳмонхоналар қад кўтаради ва бу ажойиб гўша ҳақли равишда бутун дунёдан ташриф буюрувчи сайёҳларнинг севимли масканига айланади.

Хоразм сафаридан қайтар эканмиз тошкентлик оқсоқоллардан ўз таассуротлари билан ўртоқлашишни илтимос қилдик.

— Мен ўз соҳамдан келиб чиққан ҳолда асосий эътиборни уруш, меҳнат ва қуролли кучлар кенгашининг фаолиятига қаратдим, — дейди Юнусобод тумани уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашининг раиси Муҳсиддин ака Камолов. — Хоразмдаги ибратли иш фаолиятидан бири — бу уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашининг кичик корхона, фирмалар билан яхши алоқада эканлигидир. Бу ерда фирма, кичик ва хусусий корхоналар ўз даромадларидан 5-10 фоизини мунтазам равишда фахрийлар кенгаши ҳисобига ўтказиб туришаркан. Натижада бу маблағ уруш, меҳнат ва қуролли кучлар ногиронларига ёрдам тариқасида бериларкан ҳамда турли хайрия тадбирларини ўтказиш учун сарфланаркан. Биз ҳам ушбу тажрибани ўзимизда тадбиқ этиш ниятидамиз.

— 30 йилдан бери шаҳримиздаги маҳаллаларга оқсоқоллик қилиб келар эканман, маҳаллаларга бўлган ҳурмат, эътиборнинг юртимиз мустақиллиги билан келганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман, — суҳбатга қўшилди «Ўзбекистон мустақиллиги» маҳалласининг оқсоқоли Эгамназар ҳожи Қодиров. — Уларнинг ҳаётимиздаги, мамлакат фаровонлиги ва ободончилигидаги ўрнини белгилаб берган юртбошимиз Ислом Каримовнинг беқиёс ғамхўрликлари натижасида маҳаллаларга жуда катта имтиёзлар берилди. Бизнинг туманимизда ҳам кейинги 4 йил ичида Туркистон шаҳридаги Аҳмад Яссавий, Самарқанддаги «Регистон», Бухородаги «Лаби-Ҳовуз» маҳаллалари билан дўстлик алоқаларини ўрнатдик. Навбатдаги сафаримиз чоғида Хоразмдаги маҳаллаларнинг фаолиятида ҳам ибратомуз томонлари кўп эканлигининг гувоҳи бўлдик. Жумладан, кичик корхоналарга шахсий дастгоҳларнинг ўрнатилиши ва унинг асраб-авайлаб ишлатилиши ажойиб янгиликдир. Бу иш унумининг ошишида муҳим омил бўлади. Биз ҳам янги қурган гузаримиздаги тикув цехига «Юлдуз» ҳиссадорлик жамиятидан дастгоҳлар олиб келиб ўрнатмоқчи эдик. Энди чеварларимизга ўз дастгоҳларини олиб келишларини тавсия қилмоқчимиз ва тикилган маҳсулотларнинг шу ернинг ўзида сотилиши учун дўконча қуриш режаси ҳам туғилди. Айниқса маҳалла марказида фаолият кўрсатаётган кичик, хусусий корхоналар даромадининг маълум фоизи маҳалла жамғармасига ўтказилиши ва у етим-есир, кам даромадли оилаларга ажратилиши, уларнинг тўйларини ўтказиш учун сарфланиши жуда олижаноб ишдир...

Ҳа, сафардан ҳар бир оқсоқол ва мутасадди ўзи учун келгусидаги иш режаларига киритадиган мақбул усулларни дилига тугди. Мамлакатимиз узра бундай дўстона сафарлар, ўзаро фойдали тажриба алмашишлар ташкил этилиши республикамиз тараққиёти, равнақи йўлида муҳим омил бўлишига эса шак-шубҳа йўқ.

Дилшод ИСРОИЛОВ,
«Тошкент оқшоми» махсус мухбири.

*СУРАТЛАРДА: Хоразм диёридаги учрашувлардан лавҳалар.*
*Шербек Иброҳимов олган суратлар.*

*Билим масканларида*

# КЎРГАЗМАЛИ ҚУРОЛЛАР ТАНЛОВИ

Республика таълим илмий-услубий марказида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимидаги ўқув муассасаларига мўлжалланиб юқори педагогик талабларга жавоб берадиган «Оригинал кўргазмали қуролларни яратиш» бўйича кўрик-танлов бўлиб ўтди. Танловга Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларнинг ўқув муассасаларида меҳнат қилувчи фан ўқитувчилари томонидан тайёрланган ва қуйи босқичларда ўтказилган кўрик-танловларда фахрли ўринларга сазовор бўлган 300 га яқин кўргазмали ўқув қуроллари тақдим этилди. Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан танловда шаҳримиздаги корхона, ташкилот, «Ижодкор» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси вакиллари ҳам қатнашдилар. Мақсад — уларни танловдан ўрин олган кўргазмали қуроллар билан таништириш ва имкониятга қараб уларни кенг ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдан иборат эди.

Ҳакамлар ҳайъати ва фанлар бўйича сайланган тафтиш ҳайъатининг узоқ тортишувлари ва хулосаларига кўра энг яхши ва ўзига хос деб топилган кўргазмали қурол ижодкорлари танлаб олинди. Пойтахтимиздаги 22-мактабнинг араб тили ўқитувчиси Р. Мусахўжаев томонидан тайёрланган «Араб тилида феъл вазифалари» кўргазмали қуроллар тўплами фахрли биринчи, 41-ўрта мактабнинг тарих фани ўқитувчиси М. Юнусова томонидан тайёрланган «Буюк сиймолар» ҳамда 29-мактабнинг араб тили ўқитувчиси Ноила Шамакованинг «Бошланғич синфларда араб тилини ўргатиш учун қўлланмаси» учун иккинчи ўринлар берилди. Учинчи ўрин ва бошқа рағбатлантирувчи ўринларни эгаллаган ўқитувчиларга Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ёрлиқлари ва пул мукофотлари топширилди. Биринчи ва иккинчи ўринларга сазовор бўлган ўқитувчилар «Ихтирочи ўқитувчи» нишони билан мукофотландилар. Шунингдек, кўрик-танловда 1-3-ўринларни олган ўқув қуролларини кўп нусхада ишлаб чиқариш учун зарур сарф-харажат ажратиш тўғрисида келишиб олинди.

— Боғчаларда ўйинчоқлар, мактабда эса дарсликлар қаторида кўргазмали қуроллар болаларнинг доимий ҳамроҳидир, — дейди Республика таълим илмий-услубий марказининг «Кўргазмани ташкил қилиш ва ўқув қуролларини тайёрлаш» бўлими бошлиғи Баҳодир Қаюмов. — Ўқитувчилар дарсларда ва амалий машғулотларда кўргазмали қуроллари ёрдамидагина кўзланган мақсадларига эришишлари мумкин. Кўрик-танловдан ўрин олган кўргазмали қуролларни кўрган бир ўқитувчи ўзини гўё сеҳрли оламга тушиб қолгандай ҳис этади. Халқ таълими вазирлиги томонидан иккинчи марта ўтказилган бу тадбирдан республикамиздаги барча ўқитувчилар мамнун. Чунки бу тарздаги кўрик-танловлар натижасида ўқитувчиларнинг кўргазмали қуролларга бўлган талаби бир қадар қондирилади. Масалан, биргина «Ижодкор» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси билан 11 турдаги ўқув қуролларини кўпайтириш бўйича шартнома тузилди. Бошқа корхона ва ташкилотлар билан ҳам имкониятларига қараб ўзига хос ўқув қуролларини кўпайтириш учун шартнома тузилди ва тузилмоқда.

Дония ЗОКИРОВА.

